

## НАВОИЙ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2025 йил ноябрь ойининг 18 куни, Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, суд биносида, очиқ суд мажлисида,  
раислик қилувчи: ██████████,  
судлов ҳайъати аъзолари, судьялар: ██████████ ва ██████████ дан иборат таркибда,

судя катта ёрдамчиси ██████████ нинг котиблигида, тарафлардан Навоий вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори ██████████, судланган ██████████ нинг адвокати ██████████ ларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман судининг 2025 йил 14 апрелдаги ҳукмига нисбатан судланган ██████████ томонидан кассация тартибида келтирилган шикоят асосида жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман судининг 2025 йил 14 апрелдаги ҳукмига кўра:

1973 йил 17 октябрда Навоий вилояти, Хатирчи туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ҳарбий хизматга мажбур, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Томди туман судининг 2024 йил 28 мартдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддасининг 1-қисми ва 28,211-моддасининг 1-қисми билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг 2025 йил 17 февралдаги ажримига кўра ўталмаган 1 йил 5 ой 12 кун жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, ЯТФМБШ, Хатирчи тумани, “Самарқанд” МФЙ, Афросиёб кўчаси, 62-уйда яшаган, унга нисбатан “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхаси ва ҳукм нусхасини ўз вақтида олган ██████████

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг 20 давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59,61-моддалар тартибида, 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 60-моддасига асосан, 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг



62-моддаси тартибида, қамокда ўтирган 1 ой 24 кунини тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун 5 йил 6 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланган [REDACTED] хавфли рецидивист бўла туриб, ўзганинг мулкини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 17 декабрь куни соат 14:00 ларда, ўзини гўёки вилоят ИИБ ЙХХБ рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон синовлари олиш бўлиmidан ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб беришга қодир шахс сифатида кўрсатиб, аслида эса фирибгарлик йўли билан моддий наф кўришликни мақсад қилиб, ўзига олдиндан таниш бўлмаган фуқаро [REDACTED] ни “Б,С” тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олмоқчи бўлиб юрганлигидан фойдаланиб, унинг ишончига кириб, ундан ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб бериш учун 6 млн сўм ва 800 АҚШ доллари миқдордаги пулларни талаб қилиб, Навоий шаҳрида жойлашган “Жаҳон” номли кафедра 800 АҚШ доллари миқдордаги пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, воқеа жойидан кетиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатганлиги Департаментнинг Кармана туман бўлими, ДХХ Навоий вилояти бошқармаси ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида аниқланган.

2024 йил 17 декабрь куни ҳолатига кўра, 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 12.874,86 сўмни ташкил қилиб, 800 АҚШ доллари 10.299.888 сўмни ташкил қилган.

Бундан ташқари, у хавфли рецидивист бўла туриб, 2024 йил 17 декабрь куни соат 14.00 ларда, ўзини гўёки вилоят ИИБ ЙХХБ рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон синовлари олиш бўлиmidан ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб беришга қодир шахс сифатида кўрсатиб, мансабдор шахсга пора беришга қизиқтириб, фирибгарлик йўли билан моддий наф кўришликни мақсад қилиб, Навоий шаҳар, Жанубий кўчаси 18-уй, 15-хонадонда яшовчи фуқаро Л.Қурбоновани “Б,С” тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олмоқчи бўлиб юрганлигидан фойдаланиб, унга ҳайдовчилик гувоҳномасини вилоят ИИБ ЙХХБда ишловчи мансабдор шахс танишлари орқали олиб беришга ваъда қилиб, фуқаро Л.Қурбоновани шу йўл билан алдаб, унинг ишончига кириб, Навоий шаҳридаги “Жаҳон” номли кафедра 800 АҚШ доллари (2024 йил 17 декабрь куни ҳолатига кўра, 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 12.874,86 сўмни ташкил қилиб, 800 АҚШ доллари 10.299.888 сўмни) миқдордаги пулларни қўлга киритиб, пора беришга далолат қилган.

Судланган [REDACTED] шикоятда, унга нисбатан ЖК 168-моддаси билан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлиги ва пушаймонлигини, 28,211-моддаси билан эълон қилинган айбловга иқрор эмаслигини, унинг ҳаракатида пора беришга далолат қилувчи жинойт таркиби мавжуд эмаслиги сабабли унинг ҳаракатидан 28,211-моддасини чиқариб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья [REDACTED] нинг маърузасини, прокурор [REDACTED] нинг келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш, адвокат [REDACTED] нинг келтирилган шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги қарларини тинглаб, шикоятдаги важларини жинойт иши ҳужжатлари билан



бирга таҳлил қилиб, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан, суд ҳукмини ўзгартиришсиз қолдиришни лозим топади.

Судланувчи [REDACTED]нинг айби қуйидаги далиллар билан, яъни, [REDACTED]ни аризасига илова қилинган дискни олиш ва эшитиб кўриш баённомаси билан, “Тезкор-эксперимент” тезкор кидирув тадбири вақтида, [REDACTED]га пул ва овоз мосламасини бериш баённомаси билан, Навоий вилояти ИИБ ЭКМнинг 25.12.2024 йилдаги 205-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосаси ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топган бўлиб, қайд этилган далилларга суд ҳукмида атрофлича баҳо берилган.

Судлов ҳайъати, судланган У.Исмоиловнинг унинг ҳаракатида ЖК 28,211-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлар мавжуд эмас деган важини муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келади.

Иш ҳужжатларида мавжуд сўзлашувлар ёзиб олинган овоз ёзиш мосламаси (диктафон) ни кўздан кечириш ва эшитиб кўриш тўғрисидаги баённомада, [REDACTED]га “МРО тонишим бор, узимни тонишим, ўша орқали ишни ҳал қилиб бераман” деган аудиоёзувлар мавжуд бўлиб, ушбу ёзувлар орқали [REDACTED] [REDACTED]ни мансаб шахсларга пора беришга далолат қилганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, [REDACTED] дастлабки тергов органи томонидан гумон қилинувчи ва айбланувчи сифатида, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилган ҳолда сўроқ қилинганида, [REDACTED]дан ҳайдовчилик гувоҳномасини ЙҚХБ РИБда танишлари орқали олиб бериш мақсадида 800 АҚШ доллари миқдоридан пора олганлиги тўғрисида кўрсатув берган.

Бундан ташқари, [REDACTED] биринчи босқич судида судланувчи сифатида сўроқ қилинганида ҳам худди шу мазмундаги кўрсатув берган.

Судлов ҳайъати, юқоридагилардан келиб чиқиб, судланган [REDACTED]нинг бу важларини муқаррар жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида ўйлаб топилган асоссиз важлар деб баҳолаб, рад қилишни лозим топди.

Суд, содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланган [REDACTED]нинг эълон қилинган айбловга муносабатини ёритиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо бериб, судда текширилган далилларни судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисоблаб, унинг айби тасдиқлангани тўғрисида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ҳамда 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига кўра, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисида тушунча берилган.

Суд, жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида берилган тушунтиришларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг талабларига риоя қилиб, судланувчи У.Исмоиловга нисбатан қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, асосли ва адолатли ҳулосага келган.

ЖПКнинг 509<sup>9</sup>-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси, агар чиқарилган суд қарорлари моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга ҳақлидир.

Шу сабабли, судлов ҳайъати, биринчи босқич суди ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ишда асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди ва суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482, 483, 514, 521<sup>3-6</sup>-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Навбахор туман судининг 2025 йил 14 апрелдаги [REDACTED] га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томон, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 510-моддасига кўра, Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят беришга ёки протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:  
ҳайъат аъзолари:

[REDACTED]

Нусхаси аслига тўғри,  
[REDACTED] ғурузачи судя:

[REDACTED]

